

Британия компанияси шифокор аёлларга мос бош кийим ишлаб чиқаради



09:00 / 31.03.2021 1701

Британия тиббиёт компанияси ҳижоб кийган тиббиёт ходимларининг санитария ҳолатини сақлашга, уларга коронавирус пандемиясига қарши курашишда ёрдам бериш учун маданий жиҳатдан мос келадиган бош кийимларнинг янги турини ишлаб чиқди.

Islam.ru манбасининг хабар беришича, тиббий ҳижоб бош кийими фақат бир марта фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ҳозирда тиббий ҳижоблар Уэст-Мидленддаги касалхоналарда тарқатилмоқда, келгусида кенгроқ тарқатиш режалаштирилган.

Бу бош кийимлар нафақат тиббиёт шароитда, балки сочлар билан қопланиши керак бўлган ҳар қандай вазиятда, хусусан, тадқиқот лабораторияларида ва озиқ-овқат тайёрлаш жойларида керак.

Бу мусулмон тиббиёт мутахассислари учун бир марталик ҳижоб ишлаб чиқарадиган биринчи компания эмас. Ўтган йили Миннесота штатидаги модельер «Nenna & Hijabs» бутикининг эгаси гигиеник ҳижобни яратди, уни ювиш осон ва қайта ишлатиш хавфсиз.

Хуршид Маъруф тайёрлади